

"CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI" aksiyadorlik jamiyati, куйида "Ижарага берувчи" деб аталувчи, амалдаги Низомига асосан иш юритувчи, жамият директор Азимов Т. С. шахсида бир томондан ва Xalq bank Chilonzor filiali куйида "Ижарага олувчи" деб аталувчи, иккинчи томондан, даги "0"-сонли тўлов шартномаси бўйича ўзаро зиммаларига олинган мажбуриятларни бажариш мақсадида, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни

- 1.1. "Ижарага берувчи" "Ижарага олувчи" га ўз худудидаги "18" - айвон, "" - қатор, "2" - рақамли савдо дуконини савдо фаолиятини амалга ошириш учун ажратиб беради, "Ижарага олувчи" ажратиб берилган савдо дуконини қабул қилишни ва ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини оладилар.
- 1.2. Ушбу ижара шартномасининг 1.1.-бандида кўрсатилган савдо дуконини "Ижарага берувчининг хусусий мулки ҳисобланади.

### 2. Ижара ҳақи

- 2.1. "Ижарага олувчи" ажратиб берилган савдо дукони учун куйида келтирилган миқдорда ижара ҳақи тулайди

18--2 рақамли	Савдо жойининг ўлчами (кв.м)	Бир ойлик ижара ҳақи (сўм ҳисобида)
Офис (Банк)	58,80	2 528 400,00
Жами ккс билан ҳисобланганда		2 528 400,00

- 2.2. Ижарага олувчи 2022 йил 1 январдан бошлаб ижара тўловларини тўлаши шарт.
- 2.3. Ижарага олувчи ойлик ижара ҳақини келгуси ой учун олдиндан энг камида 15% фоизини, қолган миқдорини эса 10 - санасигачан тўлиқ тўлаши шарт.
- 2.4. Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан нарх-наволар ўзгарганлиги тўғрисидаги чиқарилган қарорларига асосан, шартномада кўрсатилган ижара ҳақи ҳам ўзгаради.

### 3. Тарафларнинг мажбуриятлари

- 3.1. "Ижарага берувчи":

а) "Ижарага олувчи" га савдо фаолиятини амалга ошириш учун тегишли далолатнома асосида савдо дуконини топшириш;

б) савдо дуконининг жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

в) алоҳида ҳақ эвазига, барча талабларга жавоб берувчи, жиҳозланган, махсус юк сақлаш омборхоналаридан юкларни сақлаш учун керакликча жойлар билан тامينлаш мажбуриятларини олади.

- 3.2. "Ижарага олувчи":

а) ажратиб берилган савдо дуконидан шартнома шартларига мувофиқ ва кўзланган мақсадларда фойдаланиш;

б) бир ойлик ижара ҳақини 2.3. бандда келишилган тартибда тўлаш;

в) савдо килиш учун мулжалланган товарларни фақат "Ижарага берувчи" томонидан тақдим этилган, барча талабларга жавоб берувчи махсус омборхоналарда сақлаш;

г) электр-энергияси, чиқиндиларни олиб чиқиш ва бошқа хизматлар учун алоҳида шартнома асосида ҳақ тўлаш;

д) савдо дуконини яроқли ҳолатда сақлаш;

е) савдо ўрнига ўзгартириш киритмаслик ва қўшимча қурилмалар қурмаслик;

ж) савдо дуконининг ички ва ташқи қисимлари санитария, ҳамда ёнғинга қарши кўрсатмаларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш;

з) зарурат туғилган ҳолларда, "Ижарага берувчи" томонидан талаб этилган тегишли хужжатларни ўз вақтида тақдим этиш мажбуриятларини олади.

и) ушбу шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобидан амалга ошириш.

к) Жамоат тартиби, хавфсизлик коидаларига катъиян риоя этиш.

3.3. "Ижарага олувчи" юридик манзилгоҳи узгарган тақдирда ушбу ҳақда "Ижарага берувчини" 3 кун муддат ичида оголантириши шарт.

3.4. "Ижарага олувчи" истемолчиларга қулай шарт- шароитлар яратиш мақсадида савдо дуконини иш куни мобайнида узлуксиз фаолият юритишини тامينлаши шарт.

3.5. Савдо фаолиятини амалдаги карантин коидаларига риоя этган ҳолда олиб бориш:

- Тиббий ниқоб таққан ва махсус тиббий қўлқоплар кийган ҳолда;

- Савдо дуконини махсус дезинфекция қилиш воситалари билан жиҳозлаган ҳолда;

- Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан савдо дукони санитария меъёрларига мослиги ҳақидаги маълумотномага эга бўлиш;

- Дуконнинг кириш ва ички ҳудудларида харидорлар томонидан 1,5-2 м ораликдаги социал масофага риоя этишларини таъминлаш ва назорат этиш, тиббий ниқоб тақмаган харидорларни савдо дуконига киритмаслик.

### 4. Мухим шартлар.

4.1. "Ижарага олувчи" "Ижарага берувчи"нинг рухсатсиз савдо дуконини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан қариндош-уруғларга тақдим этиши, суб.ижарага бериши қатъиян ман этилади.

4.2. «Ижарага олувчи» томонидан «кўрғазма стенд» ёки «кўрғазма столи» ҳақ туламасдан, фойдаланиш ҳолати аниқланганда, у «Ижарага берувчи»га тулаши лозим бўлган пул миқдорини ва ушбу миқдорнинг 15 фоизини жарима тариқасида тўлиқ тулаб бериши шарт.

#### 5. Форс-мажор ҳолатлари.

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларига жавобгар эмас. Ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин, ҳукуматнинг тақиқловчи қарорлари шулар жумласидандир.

5.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи деб ҳисобланади.

5.3. Форс-мажор ҳолатлари вужудга келган тақдирда, бир тараф иккинчи тарафни 3 кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

#### 6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

6.1. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган ҳоллар буйича томонларнинг жавобгарлиги амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан тартибга солинади.

6.2. "Ижарага олувчи" ижара ҳақини шартноманинг 2.3 бандидаги муддатдан кечиктириб тўлаган тақдирда "Ижарага берувчи"га ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун ойлик ижара ҳақининг тўланмаган қисмидан 0,4 % дан, умумий миқдорнинг 50% дан ошмаган ҳолда, пеня тўлайди.

6.3. "Ижарага берувчи" ўз зиммасига олган мажбуриятларни асоссиз сабабларга кўра бажармаса ёхуд, уларни бажаришдан бош тортса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаровий қонунчилигига биноан жавобгар бўлади.

#### 7. Шартномани бекор қилиш тартиби.

7.1. Ушбу шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши ва бекор қилиниши мумкин:

- Томонларнинг ўзаро келишувига асосан.

7.2. Томонлардан бири ушбу шартнома шартларига риоя этмаган ҳолларда, иккинчи томон уни бир томонлама муддатидан аввал бекор қилишга ҳақлидир.

#### 8. Бошқа шартлар.

8.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади, норози томон иктисодий судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Ушбу шартномага келгусида киритилиши мумкин бўлган барча қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёзма тарзда расмийлаштирилиб, ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

8.3. Ушбу шартнома 01.01.2022 йилдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

8.4. "Ижарага олувчи" "Ижарага берувчини" ижара шартномаси муддати тугашидан камида 30 кун аввал бундай шартномани янги муддатга тузиш истаги мавжудлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

8.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита нусхада тузилиб, тарафлардан ҳар бирига бир нусхадан берилади.

#### 9. Тарафларнинг юридик манзили:

##### "Ижарага берувчи"

"CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEKSI"

aksiyadorlik jamiyati

Chilonzor tumani, Toshkent shahri, Bunyodkor

shoh ko'chasi 156a-uy

P/c 20208000300111888001

в Чиланзарский филиал АКИБ "Ипотека-банк"

МФО 00997

ИНН 200797009

Тел.

Азимов Т. С.

Юрисконсульт

##### "Ижарага олувчи"

Xalq bank Chilonzor filiali

Toshkent shahri, Chilonzor tumani Labixovuz

ko'chasi, 16-uy

P/c 29896000800000825001

в Чиланзарский филиал Народного банка

МФО 00825

ИНН: 200795295

Тел. 2538706

М.П.

Т. Азимов



Юрист